

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚАҲҲАРОВ АБДУРАХИМ АБДУБАННАЕВИЧ

**ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАР ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРИНИ
МУЛЬТИМЕДИАЛИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Чизма геометрия ва
муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Қаҳҳаров Абдурахим Абдубаннаевич

Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини мультимедиали компьютер технологиялари асосида ривожлантириш..... 3

Қаҳҳаров Абдурахим Абдубаннаевич

Развитие пространственного представления студентов на основе мультимедийных компьютерных технологии при обучении дисциплине “Начертательная геометрия и инженерная графика”..... 25

Kahharov Abdurahim Abdubannayevich

Development of the spatial representation of students on the basis of multimedia computer technology in teaching the discipline "Descriptive geometry and engineering graphics"..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚАҲҲАРОВ АБДУРАХИМ АБДУБАННАЕВИЧ

**ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАР ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРИНИ
МУЛЬТИМЕДИАЛИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Чизма геометрия ва
муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped963 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кучкарова Диларом Файзуллаевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зайнидинов Хакимжон Насридинович
техника фанлари доктори, профессор

Сайдалиев Саидкарим Сайдибаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил “ 7 ” 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2627 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил « 24 » июль да тарқатилди.
(2020 йил « 23 » июльдаги 7 рақамли реестр баённомаси)



И.Х.Сиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.Э.Хужаматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тараққиётида давлатнинг равнақи ва унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳамда истиқболларини белгилашда мустақил, мантиқий фикрлаш, тасаввур қила олиш кўникмаларини ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс. Ривожланган давлатлар олий таълим тизими (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Хитой, Россия, Украина ва бошқалар) муваффақиятларининг асоси тайёрланаётган кадрларда мустақил ишлай олиши, график саводхонлиги, чизмаларни ўқиш-чиқиш, лойиҳалаш (детал-буюм, бино-иншоот, ландшафт дизайни ва бошқалар) компетенциясини ривожлантириш билан белгиланади. График фанлар, жумладан, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан масофадан мустақил таълим олиш, мультимедиали воситалар ёрдамида график билимларни ўзлаштириш компетенцияси талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш, график таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришда мультимедиали компьютер технологияларини қўллаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасаларида талабаларнинг масофадан мустақил таълим олиш мотивациясини шакллантириш, фазовий тасаввур ва график тафаккури, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг мультимедиали таълим технологиялари, виртуал моделлаштириш усулларини жорий қилиш билан боғлиқ қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, талабаларнинг фазовий тасаввурини, график топшириқлар, лойиҳалаш чизмалари билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг мультимедиали таълим билан боғлиқ имкониятларини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бўлажак муҳандис-технолог, конструктор, архитекторларнинг рақобатбардошлиги, график билим, кўникама ва саводхонлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида мультимедиали таълим олиш рақамли услубий таъминотини такомиллаштириш, талабалар фазовий тасаввурни ривожлантиришда мультимедиали электрон дарсликларнинг ўрни ва самарадорлигини ошириш, график билим асосида талабалар фазовий тасаввурни ривожлантириш жараёнида имитацион моделга қўйилган талабларни асослаш долзарблик касб этади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда таълим тизимига доир ислохотлар доирасида “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да “таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш ва ўқитиш усулларини такомиллаштириш”¹, рақобатбардош

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847 сонли фармони.

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг иқтисодиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши, таълим тизимидаги ислохотлар натижасида олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”² устувор вазифа этиб белгиланган. Бундан келиб чиқадики, олий таълим тизимида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларида ўқитишнинг мультимедиали компьютер технологияларга асосланган замонавий усуллари кўллаш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада график таълимнинг ўқув методик жиҳатдан такомиллаштириш, талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш масалалари Р.Хорунов, И.Рахмонов, А.Холмирзаев, Ш.Муродов, Д.Кучкарова, Э.Рўзиев, А.Хамракулов, С.Сайдалиев, Д.Саидахмедова, Ч.Шокирова, Н.Ядгоров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси”, “Чизмачилик”, “Муҳандислик графикаси” фанларни ўқитишнинг замонавий масалалари, талабаларнинг фазовий тасаввурини шакллантириш ҳамда ривожлантириш

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

масалалари И.П.Истомина, Л.В.Занфирова, Л.П.Русинов, А.В.Пилипер, Ю.А.Волкова, А.И.Хубиев, Л.Н.Анисимов, П.А. Острожков, Ж.Ж.Джанобаев, Charles A, Rankovski, Minaruth Galey, Neda Bokan, Marko Ljucovich, Srdjan Vukmirovich каби хорижий олимлар тадқиқотлар олиб борган.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда компьютер технологияларини қўллаш бўйича А.Хамракулов, Ч.Т.Шакирова, Г.Тубаев, А.В.Смирнов, Н.Г. Семенова, С.В. Панюкова, Z.Zongyi, F.Kaiping, Ch.Bing H.Stachel, D.P.Francesco каби олимлар илмий тадқиқот олиб борган.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, олий таълим муассасаларида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаганлиги ҳамда мультимедиали компьютер технологиялари воситасида талабаларнинг фазовий тасаввурини, график саводхонлиги, ижодий фикрлашини ривожлантириш етарлича тадқиқ этилмаганлиги олий таълим муассасаларида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда мультимедиали компьютер технологиялари асосида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтирди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ПЗ-20170925154 “Ўзбекистоннинг қадимий монументал санъат асарларига муносиб номлар қўйиш, асл кўринишини график ҳамда компьютер графикасида қайд қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг мақсади олий таълим муассасаларидаги “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда мультимедиали компьютер технологиялари асосида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

график таълим амалиётида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш, мультимедиали компьютер технологиялари воситасида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришни долзарб педагогик муаммо сифатида илмий асослаш;

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабаларнинг фазовий тасаввурини, билим, кўникма ва малакаларини мультимедиали технологиялар асосида такомиллаштириш;

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабаларнинг фазовий тасаввурларини мультимедиали компьютер технологиялари асосида ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

мультимедиали компьютер технологияларини қўллаш асосида талабаларда фазовий тасаввурни ривожлантириш самарадорлик даражаларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш жараёни белгиланиб, Наманган қурилиш-муҳандислик институти, Наманган давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтининг 542 нафар респондент-талабаси тажриба-синов ишларига жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг мазмун, шакл ва методлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда методик манбаларни қиёсий-танқидий таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (анкета- сўров, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чизма геометрия ва муҳандислик графикаси асосларини ўқитиш, узвийлигини таъминлаш концептуал моделининг мазмунли-жараёнли компоненти график тафаккурни ривожлантириш, таъриф, теорема, чизмаларни ўқиш, тасаввур қонунияти ҳамда асосланган тасвирларни ўқиш компетенцияларини ўргатувчи, назорат қилувчи, билимларини оширувчи элементларини интеграциялаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўргатувчи-интеллектуал компьютер ўйинлари, назорат қилувчи-даражали топшириқлар ва ташхисловчи-виртуал детал моделлар тўплами таълимнинг рефлексив, интенсив ўзлаштириш усулларида ижобий ва салбий омиллари таъсирини тизимлаштириш асосида талабаларнинг фазовий тасаввури ривожлантирилган;

виртуал-таълим муҳити шароитида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантирувчи мультимедиали электрон дарсликни ишлаб чиқишда аксиологик, кўргазмалилик, иллюстративлик, визуал индикаторли талабларга анимациялаштиришдаги кетма-кет бажариш алгоритминини автоматик, механик тартибларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

талабалар фазовий тасаввури ривожланишини узлуксиз назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини қайта ишлаш, натижаларни таҳлил қилишнинг методик мезонларини белгиловчи автоматлаштирилган ностандарт тестлар ва график топшириқларни табақалаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқув машғулотларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилишда фойдаланиладиган “Чизма геометрия (қисқа курс)” номли ўқув қўлланма яратилган ва таълим амалиётига жорий қилинган;

чизма геометрия ва муҳандислик графикасини ўқитишда замонавий мультимедиали таълим технологиялари ёрдамида методик тизимни

такомиллаштириш тамойиллари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан мультимедиали электрон дарслик, талабалар фазовий тасавури ривожланганлиги ва билимини назорат қилиш учун “Online Nazorat” тест дастури яратилди ҳамда таълим амалиётига кенг жорий этилган;

олий таълим муассасаларида талаба фазовий тасавурини ривожлантиришнинг назарий асослари, чизма геометрия ва муҳандислик графикасидан график билимларни амалиётга қўллаш, талабаларда график саводхонликни ошириш, билимини баҳолаш бўйича тавсиялар баён қилинган “График таълимни ташкил этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари” номли монография чоп этирилиб, амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланилгани, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитиш жараёнида талабалар фазовий тасавурларини ривожлантириш бўйича мультимедиали электрон ўқув адабиётининг яратилгани, автоматлаштирилган кўп вариантли даражали тестлар, интеллектуал компьютер ўйинлари, видеодарслар, виртуал деталь моделлари яратилгани, уларнинг ўқув жараёнида қўлланиши, ўқитиш ва фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилгани ва такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мультимедиали компьютер технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланиши талабаларнинг фазовий тасавурларини ҳамда шу асосда график билимларини ривожлантириши, мустақил ижодий фикрлаш, фазовий тасавурлари ошиши, мустақил ишлашда талабага ёрдам ҳамда бажараётган ишларида босқичма-босқич кузатиш имконияти мавжудлиги ва ўзлаштирилган билимларни эслаб қолиш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини мультимедиали компьютер технология ўқитиш воситасида талабаларда фазовий тасавурини ривожлантиришга оид тадқиқот натижалари асосида:

рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга оид билимлар, тавсиялар ҳамда кўникмалар “Чизма геометрия (қисқа курс)” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-024-сонли гувоҳномаси). Натижада, мазкур ўқув фанидан тайёрланадиган бўлажак муҳандисларнинг фазовий тасавурини,

фанга оид билимларини ривожлантириш, касбга йўналтирилган таълимнинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим жараёнининг методик таъминотини такомиллаштириш имконини берган;

чизма геометрия ва муҳандислик графикаси асосларини ўқитиш, узвийлигини таъминлаш концептуал моделининг мазмунли-жараёнли компоненти график тафаккурни ривожлантириш, таъриф, теорема, чизмаларни ўқиш, тасаввур қонунияти, асосланган тасвирларни ўқиш компетенцияларини ўргатувчи, назорат қилувчи, билимларини оширувчи элементларини интеграциялаштириш ҳамда виртуал-таълим муҳити шароитида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантирувчи мультимедиали электрон дарсликни ишлаб чиқишда аксиологик, кўрғазмалилик, иллюстративлик, визуал индикаторли талабларга анимациялаштиришдаги кетма-кет бажариш алгоритимини автоматик, механик тартибларини киритиш асосида таълим самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июлдаги 89-03-2768-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ўқув фанидан бўлажак мутахассисларда фазовий тасаввурини ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг вақтини тежалиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлари ва ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳамда график саводхонлигини ошириш имконини берган;

ўргатувчи-интеллектуал компьютер ўйинлари, назорат қилувчи-даражали топшириқлар ва ташхисловчи-виртуал детал моделлар тўплами таълимнинг рефлексив, интенсив ўзлаштириш усулларида ижобий ва салбий омиллари таъсирини тизимлаштириш асосида талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш ҳамда узлуксиз назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини қайта ишлаш, натижаларни таҳлил қилишнинг методик мезонларини белгиловчи автоматлаштирилган ностандарт тестлар ва график топшириқларни табақалаштириш таълим сифатини оширишга хизмат қилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июлдаги 89-03-2768-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ўқув фанидан тайёрланадиган бўлажак муҳандисларнинг фазовий тасаввурини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг вақтини тежалиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлари ва ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 30 та республика анжуманида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 52 та илмий ишлар, улардан 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, шу жумладан, 3 та хорижий, 9 та республика миқёсидаги журналларда чоп этилган ва 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ҳажми 139 бетни

ташқил этган, кириш, учта боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган. Уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий этиш натижалари баён этилган.

Диссертациянинг **“График таълимда талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва мавжуд муаммолар”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш ҳолатлари, мавжуд муаммолар, талабалар фазовий тасаввурининг шаклланганлик даражасининг бугунги ҳолати, уни ривожлантириш учун зарурий воситалар ҳамда уларга қўйиладиган талаблар, мультимедиали компьютер технологияларидан фойдаланиб, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанида талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш ҳамда шулар асосида осон ўзлаштириш, таълим сифатини оширишга оид ечимлар баён этилган.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашда ўқитиладиган фанлар қаторида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанининг алоҳида ўрни бор. Лекин бу фаннинг ҳозирги ўқув соатлари талабаларнинг график саводхонлигини ошириш учун етарли эмас. Бу фанни 1 семестрда ўқитилиши эса мавжуд муаммони яққол кўрсатиб беради (1-жадвал). Талабалар олаётган билимларини тушунишлари, тасаввур эта олишлари ва таҳлил қила олишлари лозим. Агар талабаларнинг эгаллаётган билимлари кўникма ва малакага айланмаса, демак, фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари пастлигича қолаверади, яъни “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш жараёнида, биринчи навбатда, талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш муаммосини ҳал этиш лозим.

1-жадвал

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан ўқув соатларининг таҳлили

№	Йўналиш номи	Ўқув семестри	Маъруза соати	Амалий ўқув соати
1.	Электроэнергетика	1	36	36
2.	Энергетика	1	36	36
3.	Информатика ва ахборот технологиялари	1	36	36
4.	Кимёвий технология	2	36	36
5.	Озиқ-овқат технологияси	2	36	54
6.	Муқобил энергия манбаалари	1	36	36

Замонавий шароитда таълимни компьютерлаштириш таълим олувчиларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Таълимни компьютерлаштириш орқали нафақат табиат ва жамиятдаги, балки таълим жараёнидаги ҳодиса, тажриба ва жараёнларни ҳам моделлаштириш имконияти яратилади, бошқарилади, ўрганилади, ташхис ва таҳлил қилинади.

Бугунги кунда олий техника ўқув юртларида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини тажриба стендлари, моделлар, плакатлар, компьютер воситалари ёрдамида ўқитиш, талабанинг фазовий тасаввурлари, мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ишлари жадал ривожланиб бормоқда. Бироқ бу фан бўйича етарли даражада ўқув-услугий қўлланмалар, компьютер технологиялари асосида тайёрланган таълимнинг электрон ресурслари, жумладан, электрон дарсликлар, мультимедиали маърузалар, топшириқлар тўплами етишмаслиги жиддий камчилик ҳисобланади. Фанни ўқитишда график дастурлар, электрон дарсликлар, видеопроектор, электрон доскалардан фойдаланиш даражаси юқори эмаслиги каби жиддий муаммолар ўз ечимини кутаётганлигини билдиради.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришда мультимедиали компьютер технологияларидан фойдаланиш:

Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини визуал-анимацион тарзда ўқитиш воситаси ҳисобланиб, у график таълим самарадорлигини ошириш имкониятини беради;

Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани қонуниятларини компьютер графикаси воситасида ўргатиш объекти вазифасини бажаради.


А.К.Хамракуловнинг фикрича: “...компьютер технологиялари таълим муддатини ўзгартирмайди, улардан фойдаланиш қисман кўп вақтни эгаллайди, лекин ўқитувчига ўқув материални тўлиқ баён этишга имкон яратади. Компьютер технологиялари ва унинг дастурий воситалари талабаларнинг фазовий тасаввурларини кенгайтиради”.

График фанларни ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг талабаларнинг фанга бўлган муносабати, қизиқиши, фазовий тасаввурини оширишга сабаб бўлгани олиб бораётган тадқиқотларимиз самараси ҳисобланади. Демак, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Олий ўқув юртлари учун ўқув нашрлар аниқ намунавий моделнинг тўртта мезонли гуруҳларини ўз ичига олади:

- дастурий-методик (ўқув режа ва ўқув дастурлар);
- ўқув-методик (методик кўрсатма, қўлланма, ўқитиладиган ўқув фанлари таркибидаги материаллар методикаси, ўқув курси, курс иши ва битирув малакавий ишларни бажариш);
- ўргатувчи (дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матни, маъруза конспектлари);

- ёрдамчи (тажрибалар, масала ва машқлар тўплами, дарслик, ўқув китоби) ва бошқалар.



1-расм. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар фазовий тасаввурини ривожлантирувчи мультимедиа педагогик модель

Н.Н.Гомулинанинг фикрича: “...замонавий ахборот технологиялари ушбу мезонларнинг бешинчи гуруҳини ажратишга имкон беради: назорат қилувчи (тест дастурлари, маълумотлар базаси)...”

В.В.Шевельков таъкидлаганидек, талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш ва у билан боғлиқ бўлган малакани ошириш график фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Зеро, ҳеч бир ўқув фани фазовий тасаввур ва фазовий фарзани чизмачиликдек ривожлантира олмайди. Талаба буюмининг шакли ҳақида чизма бўйича аниқ бир фикрга келиши учун у геометрик жисмлар ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Тасаввур – нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий хаёл суриш жараёни. Тасаввурни янги образлар билан бойитиш фикрлаш билан боғлиқ топшириқларни ечишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, билимларни ўзлаштириш, касбий

малакаларни эгаллашда ҳам тасаввур алоҳида аҳамиятга молик.

Тасаввурнинг инсон учун муҳим томони шундаки, бу хаёл ёрдамида одам бўлажак предметни, нарсани олдиндан идрок қилади. Масалан, муҳандис ўзи яратмоқчи бўлган машинасини унинг схемасидан тасаввур қилади. Меъмор қурмоқчи бўлган биносини чизган эскизидан тасаввур қилади.

Тасаввур – сезги органларига қачонлардир таъсир этган предметлар ва ҳодисаларнинг яққол хиссий образи.

Хаёл – образ тасаввур ёки ғоя шаклида янги нарсанинг яратилиши, онг фаолияти, яъни илгари идрок қилинмаган нарсаларнинг образларини мавжуд тасаввурлар асосида мияда яратишда ифодаланадиган фаолиятдир. График таълимда мультимедиали технологиялардан фойдаланиш орқали уларга аниқ мазмун киритиш мумкин бўлади.

Ш.Абдурахмоновнинг фикрича, тасвир объекти ... график ҳунар эгаси тегишли нарсани тасвирлашни ўз олдига масала қилиб қўяр экан, у ишни ўша нарсани ўз кўз олдига келтириб олишдан бошлайди. Чунки графикада тасвир объекти бўлиб тасвир этилаётган нарсанинг ўзи эмас, балки унинг график ҳунар эгаси тасаввурдаги образи хизмат қилади.

Т.Азимовнинг фикрича, **фазовий тасаввур** – кўз билан кўриш ва ақл элагидан ўтказиш. Тасаввурни учта йўл билан ҳосил қилиш мумкин: кўриб; эшитиб; ўқиш ва чизиш орқали.

С.Сайдалиевнинг фикрича, талабаларнинг тасаввури улар онгининг маҳсули сифатида борлиқдаги нарсаларнинг фазодаги ўрни, ҳолати, шакли, ўзаро жойлашуви ва нисбатлар ўрнини тасаввур қилиш қобилияти демакдир.

Фазовий тасаввур – тасвирланаётган объект, чизма, буюм, детал ва бошқаларнинг шакли, ҳажми, кўриниши, вазияти, унинг тавсифлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишдир. Чизилаётган чизма, детал ва бошқаларнинг инсон тасаввури, хаёлида кўз олдига келтира олиши ҳамда уни қоғозга тушира олиши тушунилади.

Таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсад фанни қисқа вақтда осон ўзлаштиришдан иборат. Бундан шуни англаш мумкинки, кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари шунинг асосида қурилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, материални ўзлаштириш даражаси ўқиганда 10%, эшитганда 20%, кўрса ва эшитса 50%, бошқалар билан муҳокама қилганда, 70%ни ташкил этади. Демак, мультимедиа ахборот узатишнинг бир неча усуллари – матн, статик тасвир (расм ва сурат), динамик тасвир (мультипликация ва видео) ва овоз (рақамли ва MIDI) – интерактив маҳсулот сифатида бирлаштиради.

Чизма геометрия ва муҳандислик графикасини ўқитишнинг замонавий масалаларидан бири уни ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини мультимедиали компьютер технологиялар асосида ривожлантириш ва кенг кўламда қўллашдир. Диссертациянинг мазкур бобида мультимедиали компьютер технологиялари асосида таълим жараёнида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш учун қўллаш зарур бўлган мультимедиали

электрон дарсликнинг тузилиши ҳақида аниқ структура келтирилган. Унинг асосида ўзлаштирилаётган билимларнинг талабалар томонидан осон, қулай ва мустақил ўзлаштириш имконияти, бериладиган чизмаларнинг фазовий вазиятларини тасаввур эта олишда ҳамда шулар ёрдамида ўзлаштириш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши назарий жиҳатдан исботланган.

Диссертациянинг **“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини мультимедиали компьютер технологияси асосида ривожлантириш методикаси”** номли иккинчи бобида мультимедиали электрон дарслик (мультимедиали электрон китоб, даражали топшириқлар тўплами, кўпвариантли автоматлаштирилган даражали тестлар, интеллектуал компьютер ўйинлари, видеодарс, виртуал детал моделлари, глоссарий) яратиш ва ундан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш масалалари баён этилган.



2-расм. Талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг имитацион модели

Тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатдики, аксарият талабаларнинг график топшириқларни бажаришида йўл қўяётган хатоликлари бир хил (2-жадвал). Бу талабаларда фазовий тасаввурини етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатади. Бу муаммонинг мақбул ечими компьютерлаштирилган ўқитиш тизимини ташкил этишдир. Яъни талабалар

фазовий тасаввурини ривожлантириш учун имитацион модел орқали мавжуд муаммони бартараф этишдир. Бундан ташқари, талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришдаги имитацион модел рангли компьютер графикаси, анимацион кетма-кетлик, бажариладиган топшириқлар фан конун қоидалари асосида босқичма-босқич бажарилиши каби талабларни ўз ичига олиши зарур

(2-жадвал)

График топшириқларни бажаришда талабалар томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар


№	График топшириқлар мазмуни	Мавжуд хатоликлар	Бартараф этиш йўллари
1.	Чизик турлари ва ўлчам қўйиш қоидалари	Ўз.Р. Д.С. ва ГОСТ талабларни яхши билмаслик	Мультимедиали электрон дарслик
2.	Эпюрни қайта тузиш усуллари	Текисликнинг бош чизикларини топишни билмаслик	Мультимедиали электрон китобнинг амалий
3.	Кўпёқликлар ва уларнинг текислик билан кесишуви	Кўпёқликнинг V, H, W кўринишини нотўғри чизиши ҳамда кесим юзасини аниқ тасаввур эта олмаслик	топшириқлар бўлимидаги мавзуга оид топшириқни бажариш намунаси
4.	Сиртларнинг текислик билан кесилиши	Кесим юзаси ҳақида тасаввурнинг йўқлиги, ҳақиқий катталиқни топа олмаслик	Мультимедиали электрон китобнинг назарий маълумотлар
5.	Сиртларнинг ўзаро кесишуви	Иккита сиртнинг кесишувини тасаввур эта олмаслик	бўлимидаги мавзуга оид чизмаларнинг
6.	Кўриниш, қирқим ва кесимлар, уларда турли соддалаштиришлар	Деталнинг кўринишини тасаввур қила олмаслик ҳамда қирқим, кесимларни тўғри бажара олмаслик	бажарилиш намунаси ва AutoCAD дастурида виртуал интерфаол деталлар
7.	Резьба(қирқим)лар ва уларнинг турлари	Резьбалар ҳақида талаб даражасида тасаввурга эга эмаслик ва чиза олмаслик	

Жадвалда келтирилган хатоликларни бартараф этишда кўрғазмалилик принципи, унинг энг самарали воситаларидан бири кўрғазмалиликни анимацияларга асосланган мультимедиали компьютер технологиялари мазкур камчиликларни бартараф этишни таъминлайди.

Кўрғазмалилик – бу дарс жараёнида фойдаланиладиган плакатлар, тарқатма материаллар, электрон материаллар ва бошқаларни талабаларнинг тушуниши ва ўзлаштиришига ёрдам берадиган материаллар жамланмаси

ҳисобланади.

Тадқиқот йўналишидаги манбаларнинг таҳлили бу борада мўйяян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Жумладан, А.К.Хамрақуловнинг “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани бўйича электрон услубий қўлланмасида фақат таянч масалалар бўйича дастурий-педагогик восита яратилган. Ч.Т.Шокирова томонидан “Чизма геометрия” фанидан тест топшириқларининг фақат 1-даражаси ишлаб чиқилган бўлса, Д.С.Саидахмедованинг КҲКлар учун “Техник чизмачилик” фанидан мультимедиали электрон ўқув қўлланмасида ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар танлаб олинган ва улар анимациялаштирган. А.Холмурзаев ва бошқалар томонидан “Чизма геометрия” фанидан электрон дарслик яратилган бўлса-да, бу манбаларда график таълимнинг муҳим омили, талабаларда фазовий тасаввурни ривожлантиришда мультимедиали компьютер технологияларидан фойдаланиш муаммоси тадқиқ этилмаган.



3-расм. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар фазовий тасаввурини ривожлантирувчи концептуал педагогик модели

Ўқув жараёнини кўргазмали ташкил этиш, ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш ўқув материалларини идрок қилиш уларни онгли ва пухта ўзлаштиришга олиб келади ҳамда диққатни барқарорлаштиради. Дарс тури ва мавзусига мос равишда кўргазмали материаллар тайёрлаш, талабанинг ёши ва билиш даражасига мувофиқлашган бўлиши ҳамда улардан фойдаланишни самарали усул ва воситалар ёрдамида ташкил этиш лозим. Чизма геометрия ва

муҳандислик графикаси фанида кўргазмали материаллар дарс тури ва мавзуга қараб турли шаклларда, жумладан: босма, содда электрон, анимацион ҳамда виртуал моделлар кўринишида бўлиши мумкин.

Рангли компьютер анимациясидан фойдаланиш, юқори сифатли графика, видеофрагментлар, схемалар, формулалар, ўрганилаётган предмет мавзулари кетма-кет тақдимот кўринишида гавдаланиши ёки тармоқланувчи динамик занжир шаклида боғланганлиги, керакли маълумотларни ажратиб олиш ва тақдим этиш жараёнларини бошқариш имкониятларини яратади.

Илмий-тадқиқот ишининг амалий натижаси бўлган мультимедиали электрон китоб қуйидаги дарс мақсадларида фойдаланилади:

• **Таълимий мақсад.** Талабаларда ўрганилаётган мавзу бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва амалий дарс жараёнида шу билимлар асосида графикли топшириқларни бажаришни ташкил этиш.

• **Тарбиявий мақсад.** Ўрганилаётган мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаш жараёнида уларнинг кетма-кетлигини аниқ тушуниб олиш ҳамда реал ҳаётда зарурий восита сифатида қўллаш, ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш.

• **Ривожлантирувчи мақсад.** Ўрганилаётган мавзу бўйича билимни кўникмага, кўникмани эса малакага айлантириш ва шулар асосида ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Видеодарс – маълум бир билим ва кўникмаларни видео шаклда ҳам тасвирли, ҳам овозли бўлиб, фойдаланувчи томонидан керакли билимларни кўриб, эшитиб ўрганишга ёрдам берувчи дарс ишланмаси ҳисобланади.

Даражали график топшириқ – талабаларга бериладиган график топшириқларни оддийдан мураккабликка тамойилига кўра ишлаб чиқиш.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан талабалар фазовий тасаввурини ривожлантиришда компьютер графикасида ўрганилаётган AutoCAD график дастуридан фойдаланиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Бу дастурда фан мавзулари бўйича бериладиган топшириқларни ишлаб чиқиш бошқа дастурларга нисбатан қулайроқдир. Масалан, икки кўринишга қараб учинчи кўринишни топиш, туташма, чизик турлари, аксонометрик проекциялар, сиртлар, қирқимлар, кесимлар ва бошқа мавзулар бўйича яратиш мумкин.

Тажрибалардан аён бўлдики, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда автоматлашган топшириқларнинг тури, мураккаблигига кўра даражали тестлардан фойдаланиш мультимедиали компьютер технологияларининг татбиқий амалиёти сифатида қўлланилиши график таълим самарадорлигини таъминлайди.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан компьютер ўйинлари яратишда мураккаблик даражалари энг камида учта бўлиши мақсадга мувофиқ. Фан бўйича компьютер ўйинлари қуйидаги турларда бўлиши талабаларда ўзлаштирилиши керак бўлган билим ва кўникмаларнинг узвийлигини таъминлашга асос бўлади.

1. Билимларни шакллантирувчи. Машқ қилдирувчи компьютер ўйинлари.

2. Билимларни ривожлантирувчи. Такқослаш, таҳлил қилиш, турли мазмундаги билимларни ўзаро боғлай олишга ёрдам берувчи компьютер ўйинлари.

3. Ижодкорликка асосланган. Фазовий тасаввурни ривожлантирувчи, мустақил-ижодий-мантиқий фикрлашга ундовчи, мавжуд бўлган 2D ва 3D форматдаги модел (яққол тасвир)ларга йўниш, қўйиш ва кесиб ташлаш орқали лойиҳалаш элементларини киритиш йўли билан янгисини яратишга йўналтирувчи компьютер ўйинлари бўлиши лозим.

Тадқиқот доирасида Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан билимларни шакллантирувчи “Сўз ўйини” номли ўйин тарзидаги компьютер дастури яратилди. Бу компьютер ўйинида бериладиган сўзлар сони ортиб боровчи, оддийдан мураккабликка принципи асосида ишлаб чиқилган. Компьютер ўйинлари қуйидаги даражалар бўйича яратилган:

1-даража (сода) – битта сўздан ташкил топади ва фандаги қоида, таърифларга асосланган кўринишда берилади;

2-даража (ўртача) – битта ёки иккита сўздан иборат бўлиб, ўртача мураккабликдаги саволлар берилади. Бериладиган саволлар талабаларни ўйлашга, фикрлашга ва тасаввурини ривожлантиришга ундайди. Талаба бу даражада бериладиган сўзларни тўғри топиб, уларни таҳлил қилса, талабада геометрик тасаввур ҳамда график тафаккур ривожланган ҳисобланади;

3-даража (мураккаб) – битта, иккита, учта сўздан иборат бўлиб, мураккаб мавзуларга оид саволлар берилади. Бериладиган саволлар талабаларнинг мустақил фикрлашига ва фазовий тасаввурини ривожлантиришга ёрдам беради ҳамда уларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Талабанинг бу даражадаги саволларга жавоб бериши уни ижодий фикрлашга олиб келади ва бундан ташқари фан бўйича чуқурроқ билимларни эгаллашга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг таҳлиллари “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини мультимедиали электрон дарслик воситасида ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олиш имконини берди (4-расм).

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш учун мультимедиали электрон дарсликлардан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши керак:

дарс жараёнида мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш дарс тури (маъруза ва амалиёт)га бевосита боғлиқ бўлиб, мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланишда ўқитувчи анъанавий усуллар билан уйғунликда замонавий педагогик технологияларни қўллаш имкониятларидан фойдаланиши мумкин.

Дарс турига қараб фан ўқитувчиси замонавий педагогик технологиялар ҳамда мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш вақтини белгилайди ва тақсимлайди. Мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш ўқитувчидан ортиқча билим талаб этмайди Бироқ ўқитувчи дарс вақтини тўғри тақсимлаб

олиши лозим бўлади. Шу асосида зарур бўлган вақтда мультимедиали электрон дарсликка мурожаат қилиб дарсни ташкиллаштириши мумкин. Маъруза дарсларини режа асосида вақтни тақсимлаш натижасида талабаларнинг ўқув материални сифатли ўзлаштиришни таъминлайди. Бу омил, ўз навбатида, дарснинг самарадорлигида ўз аксини топади.



4-расм. Мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиб “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишнинг методик схемаси.

Диссертацияда компьютер талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш учун мультимедиали компьютер технологиялари, компьютер графикасининг моделлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тегишли методик тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, диссертациянинг мазкур бобида даражали график топшириқлар тўпламини яратишнинг замонавий усуллари бўйича тавсиялар берилган. Бунда амалий топшириқлар тўпламидаги топшириқларни даражали тартибда талабаларга бериб бориш талабаларда фазовий ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлиши аниқланган; мультимедиали компьютер технологияларига асосланган намунавий топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган; замонавий усуллардан фойдаланиш йўллари тақдим этилган. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда интеллектуал компьютер ўйинларининг аҳамияти ва афзалликлари асосланган. Мультимедиали компьютер технологиялари асосида талабалар фазовий тасаввурини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Илмий тадқиқот натижаларининг Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитиш жараёнига**

татбиқи ва тажриба-синов натижалари” га бағишланган, шунингдек унда тажриба-синов усуллари, методикаси ёритилган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

Тайёргарлик босқичи 2010–2011 йиллар давомида ўтказилиб, бу даврда қуйидаги ишлар амалга оширилди: илмий тадқиқотнинг асосий йўналишини аниқлаб олиш; муаммонинг назарий ва амалий ҳолатини ўрганиш; олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчи ва талабалари билан сўровномалар ўтказиш; тадқиқот ўтказилаётган фан бўйича керакли ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услугий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва солиштириш, ОТМларда педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш учун педагогик шарт-шароитларни ўрганиш; дастлабки педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва бошқалар амалга оширилди.

Иккинчи босқич – 2011–2012 йилларда қуйидагилар амалга оширилди: режага биноан педагогик тажриба-синов ишларини давом эттириш; “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан дарсларни кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш; олиб борилаётган илмий тадқиқотда маълумотларни бойитиб, янгилаб, шу асосида уларни амалиётга татбиқ этиш методикасига қўшимчалар киритиш ва такомиллаштириш; ўтказилган тажриба-синов ишларидан олинган натижаларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш; ўқув жараёнига мультимедиали электрон китоб, кўпвариантли даражали тестлар, интеллектуал компьютер ўйини, даражали топшириқлар тўплами, видеодарсларни татбиқ этиш орқали талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш; илмий тадқиқотга тегишли маълумотлар йиғиш, таҳлил этиш ҳамда уларни умумлаштириш; ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил қилиш.

